



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-494

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

**Қумқўрғон туман “Наврўз” массиви  
“Тайфанг” маҳалла фуқаролар йиғини  
худудидан “QUMQO’RG’ON MEBEL”  
МЧЖга ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/555-сон йиғилиш баёни ва Қумқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 10 июлдаги 189/01-36-сон хатини кўриб чиқиб,

### **Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 12 августдаги 05-02/555-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Қумқўрғон туманидаги “Наврўз” массиви “Тайфанг” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан “QUMQO’RG’ON MEBEL” МЧЖга туман ҳокимлиги заҳирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг бқ ва 8қ-дала контуридаги жами 75,0 гектар яйлов ер майдони насли зотдор чорва молларини кўпайтириш ва боқиш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Қумқўрғон тумани ҳокимлиги (Р.Гаппаров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида(surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5 Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов